



22.09.2022 даги

"Мега Строй йул курилиш" МЧЖ ва Дехконобод туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида  
37000000,00 сўм умумий суммага тузилган 18-22/РБД - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 118  
Шахсий газна ҳисобварақ 470010860102127045193118002

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4821190			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	37 000 000,00			37 000 000,00
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	37 000 000,00			37 000 000,00

Жами 37000000,00 сўм

Ўттиз етти миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 11100000,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(имзо)

Муродов Баҳром Жураевич  
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Рамазонов Шохрух Уктамович  
Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

\_\_\_\_\_ (имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

\_\_\_\_\_ (имзо)

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

(Жорий таъмирлаш бўйича)

2022 й. «22» сентябр

18-22/РБД-сон

Дехқонобод тумани.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Дехқонобод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси Ғузор тумани Янги Хаёт МФЙ Тожик қишлоқ 18- кўчани жорий таъмирлаш бўйича директор Б.Муродов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган MEGA STROY YO'L QURISH маъсуляти чекланган жамияти номидан Низом асосида раҳбари А.Акмалов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича Пудратчи, Буюртмачининг Ғузор тумани Янги Хаёт МФЙ Тожик қишлоқ 18- кўчани жорий таъмирлаш ишларини лойиҳа смета ҳужжатлари асосида бажаришни, буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

## 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1 Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳа смета ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг баҳоси 37 000 000 ( ўттиз етти миллион) сўмни ташкил қилади.

2.2 Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.3 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни 100% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 30 кунда топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

3.2 Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

- қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

3.3 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

3.4 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

#### **4. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- шартномага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

4.2. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **5. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

5.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 37 000 000 сўмни ташкил қилади.

5.2. Ушбу шартнома Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Буюртмачи таъмирлаш ишларини бошлаш учун Пудратчига мазкур шартнома нархининг 30% ёки 11 100 000 (ўн бир миллион юз минг) сўм аванс тариқасида маблағни кўчиради.

5.3. Буюртмачи тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

5.4. Пудрат ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ортиқ бажарилган ишлар учун Буюртмачи томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

#### **6. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР.**

6.1. Таъмирлаш ишларининг бошланиши \_\_ сентябр 2022 йил .

6.2. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти \_\_ октябр 2022 йил.

6.3. Шартномадаги 5.2 бандида кўрсатилган авансни Пудратчи олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди.

6.4. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

6.5. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

6.6. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.

6.7. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг 6.1 ва 6.2-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

6.8. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

6.9. Буюртмачи томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида Пудратчи томонидан харид қилинган қурилиш материалларни тақдим қилиши мумкин.

6.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

6.11. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

6.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.

6.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

6.14. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

6.15. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

6.16. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

6.17. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

6.18. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

6.19. Пудратчи, буюртмачи томонидан тузилган шартномада кўрсатилган таъмирлаш ишлари бажаришда, ўзининг техникасидан фойдаланади. Техника харажатлари пудратчи ҳисобидан қопланади.

6.20. Агар Пудратчи шартномада кўрсатилмаган ёки ўзбошимчалик билан объектда смета лойиха ҳужжатларида кўрсатилмаган қўшимча иш бажарса, инobatга олинмайди.

6.21. Пудратчи объектни таъмирлаш жараёнида, эски яроқли олинган қурилиш материалларини буюртмачини чақириб, далолатнома тузиб, буюртмачига топширади.

6.22. Пудратчи ўз хисобидан ишчи хизматчиларни келиб кетишини таъмирлайди.

6.23. Пудратчи ўзига топширилган ишни ўз вақтида бажариши, шунингдек таъмирлаш ишлари каталог лойиха смета ҳужжатлари, калькуляция ва бошқа баҳолаш ҳужжатлари белгиланган турлари бўйича қурилиш таъмирлаш нормаларига асосан буюртмачига топшириши шарт.

## **7. ИШЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ**

7.1. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганга қадар қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

7.2. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **9. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

9.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг 9 бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **10. КАФОЛАТЛАР**

10.1. Пудратчи:

Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

Лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, фойдалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

Ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилш материаллари, асбоб-ускуналар бутловчи буюмлар, конструкия ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатлари кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлиги;

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

10.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этишга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, ушбу кафолат муддатти нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналар мазкур шартноманинг 12-бўлимда назарда тутилган миқдоргача бўлган суммани кафолат сифатида Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

10.3. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давлатархитектурақурилишназорат” органи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

Жорий таъмирлаш ишлари қабул қилиб олиш далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади.

## **11. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

### **11.1 Буюртмачи:**

Шартнома кучга киргандан кейин таъмирлаш ишлари бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп муддатда кечиктирилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари бузилганда, шунингдек қурилиш меъёрлари ва қоидалар ишларнинг сифатни пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **Пудратчи:**

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **12. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистан Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистан Республикаси қонунида,

бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.3. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

12.4. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.5. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.6. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

12.7. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

12.8. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

12.9. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.10. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### **13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ.**

13.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан Иқтисодий судларида ҳал этилади.

### **14. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

14.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

14.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

14.9. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

#### 15. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Б У Ю Р Т М А Ч И	П У Д Р А Т Ч И
<p>Дехқонобод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси Манзил: Қарашина шаҳарчаси ШХР: 470010860102127045193118002 Банк: Тошкент Марказий банк Ғазначилик бўлинимаси МФО:00014 СТИР: 201047314 ОКОНХ: 61129</p>	<p>“MEGA STROY YO'L QURISH” маъсулияти чекланган жамияти Манзил: Узнаво қишлоғи, Узнаво қўчаси, 2 уй Х/Р : 20208000705350476001 Банк: ҚАРШИ Ш., ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ "НАМКОРБАНК" АТБ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ МФО: 01031 ИНН: 308229087</p>
<p>Директор:  Б.Муродов  </p>	<p>Раҳбар:  А.Акмалов </p>



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MEGA STROY YO'L QURISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MEGA STROY YO'L QURISH" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.02.2021

955871

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308229087

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, Uzunnavo qishlog'i Uzunnavo ko'chasi  
2-uy,

Guvohnoma:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Дехконобод туман йўллардан  
фойдаланиш унитар корхонаси  
директори

Б.Муродов



Қарашина шаҳри

19 сентябр 2022 йил

№147268

Гузур тумани Янги Хаёт МФЙ Тоҷик қишлоқ 18- кўчани жорий таъмирлаш ишлари ўз вақтида сифатли бажарилиши бўйича танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

### ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ

АЪЗОЛАРИ:

Қ.Бўриев

бош муҳандис

Ш.Рамазонов

бош ҳисобчи

Ю.Номозов

ХХБ бошлиғи

А.Хонимкулов

ИваБХ бўлими етакчи мутахассиси

М.Онарова

иш юритувчи котиба

Кун тартибида кўриладиган масала:

Гузур тумани Янги Хаёт МФЙ Тоҷик қишлоқ 18- кўчани жорий таъмирлаш ишлари ўз вақтида сифатли бажарилиши бўйича танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг етказиб берувчи билан шартнома тузиш ва шарномани тасдиқлаш тўғрисида

Комиссия танлов конкурсига қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, йўл белгиларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган кенг форматли принтер хизмати бўйича 2 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди Улар қуйидагича:

Танлов конкурси бўйича 2022 йилда лот №147268 сонли протокол эълон қилингандан кейин 2 та ташкилот ўзини таклифлари билан қатнашди ва энг юқори ООО MEGA STROY YO'L QURISH колди ва 2 кун муҳокамада қўйилди ҳамда бошқа эътирозлар бўлмагандан кейин ООО MEGA STROY YO'L QURISH билан шарнома тузилди.

### ТАНЛОВ КОНКУРС КОММИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. ООО MEGA STROY YO'L QURISH ғолиб деб топилсин.
2. Ушбу баённома қарорининг бажарилишни назорат қилиш бош ҳисобчи Ш.Рамазоновга юклатилсин.

АЪЗОЛАРИ:

Қ.Бўриев

бош муҳандис

Ш.Рамазонов

бош ҳисобчи

Ю.Номозов

ХХБ бошлиғи

А.Хонимкулов

ИваБХ бўлими етакчи мутахассиси

М.Онарова

иш юритувчи котиба

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 147268 на приобретение Фузор тумани Янги Хаёт МФЙ Тожик қишлоқ 18- кўчани жорий таъмирлаш ишлари ўз вақтида сифатли бажарилиши лозим**

Способ проведения электронный

Дата 15.09.2022

Время рассмотрения 14.09.2022 11:00

Закупочная комиссия Дехконобод туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MURODOV BAXROM JO'RAYEVICH	Директор	Дехконобод ТЙФУК
<b>Секретарь комиссии</b>	ONAROVA MAXSUMA URALOVNA	Иш юритувчи котиба	Дехконобод ТЙФУК
<b>Член комиссии</b>	RAMAZONOV SHOHRUX O'KTAMOVICH	Бош хисобчи	Дехконобод ТЙФУК
<b>Член комиссии</b>	XONIMQULOV ABBOS RAXMATILLAYEVICH	И ва БХ булими етакчи мутахассис	Дехконобод ТЙФУК
<b>Член комиссии</b>	NOMOZOV YUSUP NURALIYEVICH	Харакат хавфсизлиги булими бошлиги	Дехконобод ТЙФУК
<b>Член комиссии</b>	BO'RIYEV QUVONCHBEK ERGASHOVICH	Бош мухандис	Дехконобод ТЙФУК

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.09.2022 года № лота 147268.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Фузор тумани Янги Хаёт МФЙ Тожик қишлоқ 18- кўчасини жорий таъмирлаш ишлари ўз вақтида сифатли бажарилиши лозим
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	43 920 868.00
Стартовая сумма	43 920 868.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқ

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирок этувчининг солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BILLUR-VERSAL-QURILISH-SERVIS-LTD" MCHJ	25	42000000	23	Экспертная		
<b>СЕВИНЧ ЖУРА КУРИЛИШ ТАЪ. МЧЖ</b>	25	Нусхаси илова килинди	23	Экспертная		
<b>ООО МЕГА СТРОЙ УО'Л ҚУРИШ</b>	25	Нусхаси илова килинди	25	Экспертная		

Критерий №2 Дехконобод ТЙФУК директориға ёзилган ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирок этувчининг Эксковатор хизматини кўрсатиш тўғрисида Дехконобод ТЙФУК директори номига ариза

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BILLUR-VERSAL-QURILISH-SERVIS-LTD" MCHJ	25	42000000	23	Экспертная		
<b>СЕВИНЧ ЖУРА КУРИЛИШ ТАЪ. МЧЖ</b>	25	Нусхаси илова килинди	23	Экспертная		
<b>ООО МЕГА СТРОЙ УО'Л ҚУРИШ</b>	25	Нусхаси илова килинди	24	Экспертная		

Критерий №3 Иштирок этувчининг гувоҳномаси, юридик манзили

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирок этувчининг гувоҳномаси, юридик манзили(реквизитлари)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BILLUR-VERSAL-QURILISH-SERVIS-LTD" MCHJ	25	42000000	23	Экспертная		
<b>СЕВИНЧ ЖУРА КУРИЛИШ ТАЪ. МЧЖ</b>	25	Нусхаси илова килинди	23	Экспертная		
<b>ООО МЕГА СТРОЙ УО'Л ҚУРИШ</b>	25	Нусхаси илова килинди	25	Экспертная		

Критерий №4 банк

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк хисоб рақамида картотека йўқлиги тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BILLUR-VERSAL-QURILISH-SERVIS-LTD" MChJ	25	42000000	24	Экспертная		
СЕВИНЧ ЖУРА КУРИЛИШ ТАЪ. МЧЖ	25	Нусхаси илова килинди	23	Экспертная		
ООО МЕГА СТРОЙ YO'L QURISH	25	Нусхаси илова килинди	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"BILLUR-VERSAL-QURILISH-SERVIS-LTD" MChJ	43 920 868.00	37 000 000.00 UZS	37 000 000.00	00.00	37 000 000.00	13.09.2022 18:56:53	100
ООО МЕГА СТРОЙ YO'L QURISH	43 920 868.00	41 497 317.00 UZS	41 497 317.00	00.00	41 497 317.00	14.09.2022 09:17:40	89.16239
СЕВИНЧ ЖУРА КУРИЛИШ ТАЪ. МЧЖ	43 920 868.00	43 720 868.00 UZS	43 720 868.00	00.00	43 720 868.00	14.09.2022 00:27:36	84.62778

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"BILLUR-VERSAL-QURILISH-SERVIS-LTD" MChJ	Прошел	100	100
ООО МЕГА СТРОЙ YO'L QURISH	Прошел	89.16239	89.16239
СЕВИНЧ ЖУРА КУРИЛИШ ТАЪ. МЧЖ	Прошел	84.62778	84.62778

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 147268 от 14.09.2022 года на приобретение Фузор тумани Янги Хаёт МФЙ Тожиқ қишлоқ 18- кўчани жорий таъмирлаш ишлари ўз вақтида сифатли бажарилиши лозим определила победителем:

"BILLUR-VERSAL-QURILISH-SERVIS-LTD" MChJ  
305915794

и резервный исполнитель: ООО МЕГА СТРОЙ YO'L QURISH (308229087)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии

<b>Председатель комиссии</b>	MURODOV BAXROM JO'RAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RAMAZONOV SHOHRUX O'KTAMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NOMOZOV YUSUP NURALIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BO'RIYEV QUVONCHBEK ERGASHOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП